



СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг бош нашри

РЎЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 НЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН.

№ 34 (20.901) 1991 йил 16 февраль, шанба

Рўзнома йилига 256 марта чиқади.

Баҳоси 8 тийин.

Ун иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг навбатдан ташқари тўртинчи сессияси



Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Кенгашининг ҚАРОРИ

Ўзбекистон ССР халқ депутатларининг «Наврўз» хайрия жамғармасини қўллаб-қувватлашга доир ташаббуси ҳақида

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Кенгаши қарор қилади:

1. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президентининг «Республикада «Наврўз» умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ҳақида»ги Фармони билан бажариш юзасидан Ўзбекистон ССР халқ депутатларининг «Наврўз» хайрия жамғармасини қўллаб-қувватлашга доир ун иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг навбатдан ташқари тўртинчи сессиясидаги инсонпарварлик ташаббуси маъқуллансин.

2. Ўзбекистон ССР халқ депутатларининг сессияда қўллаб-қувватланган таклифига мувофиқ 1991 йил март ойида уларга депутатлик харажатлари учун туланадиган маблағ «Наврўз» хайрия жамғармасига ўтказилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раиси
М. ИБРОХИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 15 февраль.

• 17 март—СССР референдуми куни

МУРАККАБ ВАЗИЯТДА

ОҚИЛОНА СИЁСАТ ЮРИТАЙЛИК

РЕСПУБЛИКАМИЗ МЕХНАТКАШЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ПРЕЗИДЕНТИ И. А. КАРИМОВНИНГ СЕССИЯДА СУЗЛАГАН НУТҚИДА БАЁН ЭТИЛГАН ФАКТЛАРНИ МАЪҚУЛЛАБ, ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАМОҚДАЛАР.

МУДОФААМИЗ ЯГОНА БЎЛИШИ КЕРАК

«...Армияни олиб кўрайлик. РСФСР ҳукумати сингари Урта Осиё республикалари ва Қозоғистоннинг ҳар бири алоҳида-алоҳида армия тузишини мен тўғри йўл деб ҳисобламайман».

Мен юқоридаги сатрларни ўқиб, унда чуқур мантиқ борлигини ҳис этдим. Ахир, Урта Осиё ва Қозоғистонда армия тузила, бешта армия пайдо бўлади. Бундай бўлишнинг нима кераги бор? Ахир, бу ягона, қудратли кучнинг бўлиши кетишига олиб келади-ку! Мудофаамиз ягона бўлиши керак.

Мен санинг фарзандинг оғинаман. Уч ўғлим ҳарбий хизмати ўтаб келишган. Ҳалигача армияда дўст ту-

тинган биродарлари билан ёзишиб-кўришиб туришадди. Ҳа, дўст кўп одам энг кучли инсондир. Ана шу маънода республикамизнинг Иттифок тарихида бўлиши бизнинг муқдодир.

Ниятимиз — Иттифок давлатини сақлаб қолиш! Республиканиларо дўстлик, ҳамкорлик, муштаҳамлансин, эл-юртимизда тотувлик, осойишталик барқарор бўлсин!

Мавжуда ҚОШМОВА,
кўп болали она. Тошкент шаҳри.

АҲИЛЛИК,

ОСОЙИШТАЛИК БАХТИ

«Бирлашган ўзар, дейди халқимиз. Келинлар, яқил бўлайлик, бир ёқадан бош чиқариб бу оғир кунлардан ҳам омон-эсон ўтиб олайлик!».

Бир пайтлар беш йиллик уч йилда бажарамиз, деган хайрилик шорлар остида иттифоднинг марказдан туриб бошқарилаётгани республикамиз манфаатлари бирмунча чеклаб қўйилганига олиб келгани рост гап. Шу нарсадан оқибати бўлса керак жумҳуриятлар ўртасида қорнининг тўйдирган мен бўламан, мен бўлмасам сен яшаб қолардинг, деган пинсада гаплар ҳам қулоққа чалиниб қолди. Энди нима, аслида мен ўзим эур эканман, ўзим бой эканман, деб ҳар бир жумҳурият англади. Ўз йўлига кетаверсинми? Унда дўстлик, биродарлик қаерда қолади? Шу бирлик туйғайли энг оғир сигналлардан ўтган юртининг шавкати қаерда қолади?

Федерациямиз янгилаяпти. Бу ўз республикамиз миносиди: муштарқиллик ҳақидаги Декларациямиз, тил ҳақидаги Қонунимиз ва нечаги кун хатоларини туза-

О. УМАРОВ,
Жарқўрган пахта тозалаш заводининг бўлиги бошлиғи, коммунист.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

15 февраль куни Тошкентда Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг навбатдан ташқари тўртинчи сессияси ўз ишнини давом эттирди. Уни Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раиси М. И. Иброҳимов бошқарди.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Деҳқончилик масалалари ва сув хўжалиги комитети раиси А. Х. Тошкентов «Ер солиғи тўғрисида» Ўзбекистон ССРнинг Қонуни лойиҳаси ҳақида» маъруза қилди.

Музокарада Ўзбекистон ССР халқ депутатлари Э. Т. Шайхов (102-Салор сайлов округи), Э. Ҳакимов (471-Аваз Утар сайлов округи), Ш. С. Нуриддинов (97-Қатортол сайлов округи), Э. Шарипов (174-Транспорт сайлов округи), И. Г. Волков (49-Жунов сайлов округи), Ф. Омиров (235-Шаҳрисабз қишлоқ сайлов округи), К. Сариев (482-Темирйўл сайлов округи), П. Қодиров (379-Оқолтин сайлов округи), Х. Шукуров (365-Бахмал сайлов округи) қатнашдилар.

Сессия қатнашчилари тақдим этилган Қонуни лойиҳасини биринчи муҳокамада қабул қилдилар ва уни келаси сессияда муҳокама қилиш мақсадида Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг комитетларига узил-кесил ишлаб чиқиш учун топширдилар.

Олий Кенгаш «Банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги Ўзбекистон ССР Қонуни лойиҳаси ҳақида Режа ва бюджет-моллия масалалари комитетининг раиси Э. Ж. Боқибоевнинг маърузасини тинглади. Қонуни қабул қилинди.

«Ўзбекистон ССРда тадбиркорлик тўғрисидаги Қонуни ҳам қабул қилинди. Ушбу Қонуни лойиҳаси юзасидан Иқтисодий ислоҳот ва маҳаллий ўзини ўзи бошқарув комитети раисининг ўринбосари Э. Н. Ҳўжаев маъруза қилди.

Олий Кенгаш Ўзбекистон ССР янги Конституцияси (Асосий Қонуни) лойиҳасини ишлаб чиқиш комиссиясига Ўзбекистон ССРнинг давлат рамайлари тўғрисидаги таклифлари ва улар ҳақидаги Низоми тайёрлашни топширди.

Шундан сўнг депутатлар «Ўзбекистон ССРда жамоат бир-лашмалари тўғрисидаги Қонуни лойиҳасини муҳокама қилишга киришдилар. Лойиҳа билан Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Қонуничилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари комитети раиси Э. Ҳ. Халмлов таништирди.

Музокарада С. А. Нишонов (283-Октябрь сайлов округи), Мухаммадсалиҳ ҳожи Раҳматулло ўғли (460-Юқорибой сайлов округи), К. Раҳимов (268-Қайқў сайлов округи), К. Тўйчиев (220-Бойқўнда сайлов округи), А. А. Абдуллаев (26-Кафанов сайлов округи), Р. А. Рейимбоева (480-Октябрь сайлов округи), М. Ҳ. Ҳасанов (370-Танчилик сайлов округи), Мухаммад Солиҳ (35-Профессорлар сайлов округи), Ж. Мамадов (293-Жомбой сайлов округи) қатнашдилар.

Депутатлар киритган қўшимчалар ва ўзгаришлар ҳисобга олиниб, Қонуни қабул қилинди.

Депутатлар Ўзбекистон ССР Президентининг сессиялар оралиғида чиқарилган Фармонларини тасдиқладилар.

Депутатлар Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Режа ва бюджет-моллия масалалари ҳамда иқтисодий ислоҳот ва маҳаллий ўзини ўзи бошқарув комитетларининг раислари тўғрисидаги масалани кўриб чиқдилар.

Сессияда Ўзбекистон ССР прокурорининг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари тасдиқланди.

Республика прокурори Б. М. Мустафоев «Транспорт воситаларини олиб қочганлик учун жиноий жавобгарлигини кучайтириш тўғрисидаги Қонуни лойиҳаси ҳақида маъруза қилди. Қонуни қабул қилинди.

Сессияда Ўзбекистон ССР Президенти, Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раиси ва Ўзбекистон ССР вице-президентининг шани ва кадр-қиммати ҳимоя қилиш тўғрисидаги Қонуни қабул қилинди.

Олий Кенгаш комитетларда узил-кесил ишлаб чиқилганидан сўнг, депутатларнинг фикр-мулоҳазалари ва таклифларини ҳисобга олиб, «Корхоналар, бирлашмалар ва таъкилотлардан олинмаган солиқлар тўғрисида» ҳамда «Ўзбекистон ССР фуқаролари, чет эллик фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинмаган даромад солиғи тўғрисидаги Ўзбекистон ССР Қонуларини қабул қилди.

Шундан кейин депутатлар Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Саноат, халқ истеъмол моллари, аҳолига маънавий хизмат ва савдо комитети раиси ўринбосари О. Махмудовнинг «Ўзбекистон ССРда корхоналар тўғрисидаги Қонуни лойиҳасига оид маърузасини муҳокама қилдилар.

Музокарада В. Содиқов (416-Файзиобод сайлов округи), М. Каримов (244-Ленин сайлов округи), О. Қуназаров (476-Пристан сайлов округи), Ф. Н. Раҳматуллоев (37-Қорақамчи сайлов округи), В. Р. Ниёматов (73-Нариманов сайлов округи) сўзга чиқдилар.

Қонуни билдирилган таклифлар ва мулоҳазалар ҳисобга олиниб қабул қилинди.

Сессияда Қозоғистон ССР Олий Кенгашининг ССР Иттифок республикалари Олий Кенгашларига Мурожаатномаси муносабати билан бир овоздан қарор қабул қилинди.

Сессияда бошқа бир қанча масалалар ҳам кўриб чиқилди. Сессия ишида Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов қатнашди ва муҳокама қилинмаган бир қанча масалалар юзасидан сўзга чиқди.

Шу билан сессия ўз ишнини тамомлади.

[УЗАТ].

Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг сессиясида.
В. МОЛГАЧЕВ олган суратлар.

«МЕН ХАЛҚИМНИНГ ДАРДИНИ АЙТАМАН...»

• Сессия залидаги ўйлар

Янгилик курталари дейсизми, марҳамат: сессия иш соатлари эрталаби 10 дан бошланганига қарамай, мажлис ўтаётган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мажлислар зали фойееси роса бир соат муқаддам депутатлар билан гавжум эди. Кун тартибидagi масалаларнинг қизғин баҳси аслида мана шу ердан бошланади.

Сессияда Ўзбекистон ССР Президенти Ислам Абдуғаниевич Каримовнинг ички ва ташқи вазият ҳусусида сўзлаган нутқи депутатлар хотира-сиде қолди. Ўзбекистон халқ депутатларининг Форс кўрфазидagi ҳарбий моjarолар ҳусусида қабул қилган Мурожаатномаси жумҳурият аҳли-

нинг қалбига ҳам ақс садо толди: «Форс кўрфазида қонли урушлар бораётганилиги, бе-ғинох болаларнинг қарияларнинг, айилларнинг, умуман одамларнинг нобуд этилаётганилиги, умуминсоний кадриятларнинг топталаётганилиги барча халқларни жиндий ташвишлантирмоқда. Бу қонли моjarо барча халқлар каби ўзбек халқини ларзага солаптир. Қадим-қадимдан Шому Ироқ, Мавнаю Мадина бизнинг ота-боболаримиз учун қадимки бўлган. Араб халқлари билан қўнча маданият алоқаларимиз, диний, маърифий робиталаримиз бор. У юртлардан келмаётган фарёадолари, шубҳасиз, бизнинг юрагимизда ҳам ақс садо беради.

Олдиндан кутилганидек, кун тартибидagi «Нарх-навони тартибидаги солиқ қондалари ҳамда Ўзбекистон ССРнинг 1991 йилги Давлат бюджет тўғрисидаги» масала муҳокамаси ҳам қизғин ўтди. Шу масала юзасидан маъруза қилган Ўзбекистон ССР вице-президенти Ш. Р. Мирсанов маънавийликни бо-зор муносабатларига ўтаётган, ҳамма жойда нарх-наво ошаётган, аҳолининг турмуш даражаси пасайиб бораётган бу-ғунги кунда фуқаролар ман-фатларини, айниқса, қариялар, болалар, ўкувчилар, кўп бола-ли оилалар, алғизлар, ногирон-лар ва аҳолининг иқтисодий но-чор гуруҳлари манфатларини ҳимоя қилиш ҳукуматнинг муқаддас ва биринчи навбат-даги вазифалари эканлигини таъкидлади.

«Ўзбекистон ССРда тадбир-корлик тўғрисидаги Қонуни лойиҳаси ҳусусида маъруза қилган нотиқ тадбиркорликнинг кенг тарқиётгани қилган ҳолда шундай бир мисол келтирди:

— Афсуски, айрим ўртоқ-лар тадбиркорликни ўзларига хос тушуноқдалар. Биздаги маълумотларга кўра, — деди нотиқ, — Андижондаги «Савая» совхозига Исроилдан келган бир гуруҳ аллақандай кишилар ўзбекларга пахта экишни ўргатишга эмиш. Ажабо, эртага Африкадан ҳабаш биродарлар келиб биз ўзбеклар-га палов пиширини ўргатайд-ди, деб ким кафолат беради?

Ўғри, бу саволга саваялик депутатлар мантиқли, муносиб жавоб қайтардилар, албатта.

(Давоми учинчи бетда).

